

ҲАЛҚ - ДИН – МАДАНИЯТ ВА ТИЛ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ

Т. Мардиев¹, Ф. Кулибаев²

Аннотация:

Ушбу мақолада асосий фикрлар ҳалқ - дин – маданият ва тил тушунчаларининг узвий боғлиқлиги тўғрисида бир қатор йирик тилшунос олимларнинг фикрлари асосида маълум бир қарашларимизни баён этдик. Жумладан, лисоний моддийлашувида этнос, тил ва дин, маданият каби инсонга хос белгилар тизими ўртасидаги ҳамкорлик мавжудир.

Калит сўзлар: ҳалқ, дин, маданият, тил, ижтимоий, тарихий, коммуникатив, табиий, сунъий, инсон.

doi: <https://doi.org/10.2024/9d5hgw82>

Маълумки, лисоний моддийлашувида этнос, тил ва онг, дин, маданият каби инсонга хос белгилар тизими ўртасидаги ҳамкорликнинг мавжудлигини унутмаслик керак. Этносда энг муҳим алоқа воситаси бўлган тил уруғ, қабила, элат, халқ миллат кўринишидаги инсонларнинг ижтимоий гуруҳи орасида пайдо бўлган жамоанинг бирлашиш шакли бўлиб хизмат қилади. Этнос куйидаги тушунчалар билан чамбарчас боғлиқдир: маданият, дин, тил, онг кабилар. Ижтимоий фанларда этнос тушунчасини халқ маъносида ҳам қўллайдилар. Бу тушунча маданият, тил тушунчалари билан бевосита боғланган, шунинг учун ҳам русча -ўзбекча луғатда “этник” ёки “этнос” атамаси бирор бир халққа ва унинг маданиятига оид тушунча деб қаралади. “Этногенез” эса бирор халқнинг келиб чиқиши деб тушуниланган [3,770]. Этнос инсонлар ёки инсонларга хос тушунчалар мажмуидир. Инсон табиатан ижтимоий мавжудотдир [2,30].

Дарвоқе, маданият ана шу этнос (халқ)нинг ижтимоий ва тарихий жараёнида вужудга келган, жамият тараққиётида тарихан эришилган, цивилизация босқичини характерлайдиган моддий ва маънавий хусусиятларнинг мажмуидир. Чунончи, фалсафа луғатида маданиятга шундай таъриф берилади, “Маданият (лотинча cultura парвариш қилиш, ишлов бериш) – ижтимоий тарихий амалиёт жараёнида инсоният яратган ва яратаётган ҳамда жамият тараққиётида тарихан эришилган босқични характерлайдиган моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир” [3,275].

Дин – инсоният маънавий ҳаётининг таркибий қисмидир. Дин эътиқод ҳамдир. Бу эътиқод ҳар бир кишининг шахсий ишидир. Дин муайян маълумот, ҳис-туйғулар, тоат-ибодат ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлади. У олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида кўриниши, уни идрок этиш усули ва оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача ўтган даврларнинг илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда салмоқли тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий ва ахлоқий кучдир. Дин нима эканлиги турлича изоҳланса-да, умумий хулоса шуки, дин ишонмоқ туйғусидир. Ишонмоқ туйғуси инсониятнинг энг теран ва энг гўзал руҳий ва маънавий эҳтиёжларидандир. Дунёда дини, ишончи бўлмаган халқ йўқ. Чунки муайян халқ динсиз, эътиқодсиз, бирор-бир нарсага

¹ Мардиев Тўлқин Кулибаевич, СамИСИ доценти

² Кулибаев Фахриддин, СамИСИ 1-курс магистранти

ишончсиз ҳолда яшай олмайди. Дунёқарашнинг тарихий шаклларида бири диний дунёқарашдир. Диний дунёқарашнинг муҳим жиҳатларини диний туйғу, диний ақидаларга ишониш, сиғиниш, диний эътиқод ва шу кабилар ташкил қилади. Ушбу ўринда диннинг ўзи нима, унинг моҳияти нимадан иборат, дин қай тарзда фаолият олиб боради деган саволлар ҳам туғилиши мумкин. Бу масала билан кўпроқ диншунослик ва дин социологияси соҳалари шуғулланади. Шунинг учун ушбу мақолада бу масалага кенг ўрин бермай, қайд этилган фикрлар билан чегараландик.

Тил ҳам этнос ва маданият билан боғлиқ бўлган ҳамда уларни юзага чиқарувчи, вужудга келтирувчи восита саналади. Булар ичида тил ҳукмрон ҳисобланади. Бунда тилнинг ноёблиги шундаки, у келтирилган тушунчалар билан узвий боғланган, уни операцион тизим сифатида бошқа дастурлар учун ўзига хос қобик деб қиёслаш мумкин.

Тилдаги этник хусусиятнинг яққол мисоли она тилини ҳис қилишдир. Барча халқларда тил миллий ҳис-туйғу ва онг билан узвий боғланган. Инсоннинг ўз она тилига яқинлик туйғуси ҳар бир тилда образли тафаккурнинг такрорланмас ассоциацияларининг мавжудлиги билан тушунтирилади. Улар ҳар бир сўзнинг ўзига хос семантик тўлиқлигича маданий мазмунга эга бўлиб, тил тизимида мустаҳкамланади ва унинг миллий ўзига хослигини ташкил этади.

Зеро, тилсиз этнос (халқ) ҳам, маданият ҳам бўлмайди. Чунки инсоннинг инсонийлиги, маданийлиги тил орқали акс этади ёки юзага чиқади. Фалсафа луғатида тил ҳақида шундай яхши таъриф берилган[3,483]. Чунончи, тил – ҳар қандай физиологик белги системаси, бу система инсон фаолияти жараёнида билиш ва коммуникатив (алоқа) функцияларни бажаради. Тил табиий ҳам, сунъий ҳам бўлиши мумкин. Табиий тил деганда фикрларни ифодалаш формаси ва кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган кундалик ҳаётдаги тил тушунилади. Сунъий тил – кишилар томонидан тор эҳтиёжлар учун яратилган тилдир. Тил ижтимоий ҳодиса ҳамдир. У ижтимоий ривожланиш жараёнида пайдо бўлади ва алоҳида ҳар бир одамнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи воситадан иборатдир. Тил айна вақтда онгнинг шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. Тил қобиғидан ташқари онг мавжуд бўлмайди. Ўз физик табиатига кўра ўзи билдирадиган нарсага нисбатан шартли бўлган тил белгиси, шундай бўлишига қарамай, пировард натижада реал воқеликни билиш жараёни билан боғлиқдир. Тил жамғарилган билимларни қайд этиш, қайта ишлаш ва сақлаш ҳамда уларни авлоддан-авлодга етказиш воситасидир.

“Жамиятнинг тилга, тилнинг эса ўз навбатида жамиятга таъсир қилиши” [2,70] ҳақидаги тезисдан келиб чиқилса, менталитет тилга, тил эса менталитетга таъсир қилишини назарда тутиш лозим. Бундай чигал ҳолатни, менталитетни таърифлашга уринишларда ҳам кузатиш мумкин. Менталитет тадқиқотига бағишланган адабиётларда ушбу тушунчага кўплаб таърифлар бериб ўтилган. Улардан қуйидаги таърифга тўхталиш мумкин: “Менталитет тарихан шаклланган, нисбатан барқарор ва ўзига хос жамоавий дунёқарашлар мажмуаси бўлиб, у кишиларнинг тил ва ҳар хил характерларида беихтиёр намоён бўлади” [4,21]. Бундай таърифларда тил характернинг шаклларида бири деб қаралса, иккинчидан тилни характер, хулқ билан бир қаторга қўйиб алоҳида таъкидлаб, ажратиб кўрсатилади. Ушбу таърифнинг ўзидаёқ менталитет ва тил ўртасидаги муносабат мавжудлигини кўрсатувчи бир қанча ҳолатларни кузатиш мумкин. Шунга кўра менталитетнинг асосий таркибида: бир томондан дунёқараш, иккинчи томондан дунёқарашдан келиб чиқадиган тил характери акс этади. Концептнинг лисоний моддийлашув жараёни яна бир муҳим ментал босқични босиб ўтишидир.

Хуллас, ҳозирги кунда илмий билишнинг лингвистик парадигмасида етакчилик қилувчи фаразлар шуни тасдиқлайдики, ҳар бир тил атрофимизни ўраб турган оламни концептлаштиришнинг маълум бир усулини намоён этади. Умуман инсон тили халқ,

миллат тафаккурининг ойнасидир ва ҳар бир миллатнинг ақлий тузилиши ўз тилида стереотип (андоза) сифатида шакланган бўлади. Буни биз юқорида қайд этган манбаларда айтилган фикрлар орқали тасдиқлашимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Абдуроззоқова Ш. Тафаккур гулшани. –Т.: Фафур Фулом, 1989.-462 б.
- [2]. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки 2001. № 1.
- [3]. Ғофуров З. Фалсафа луғати. – Т.: Ўзбекистон, 1976.- 640 б.
- [4]. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.-91б.
- [5]. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: ЎЗСЭ, 1981.- 632 б.
- [6]. Узбекский – русский словарь – М.: ЎЗСЭ,1959.- 840 с.
- [7]. Ушаков Д. Толковый словарь русского языка в 4-хт., т 1. – М.: ТЕРРА, 1996.- 824с.
- [8]. Философская энциклопедия, 8. -М,: 1970, т.5. с.462; Ўзб. Совет Энциклопедияси, 14 жилд,-Т.:1980, -7-б.
- [9]. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1974.- 307 б.